

Mahalla

Газета 1996 йил январь оидан чиқа бошлаган

2005 йил 1 июнь



Чоршанба

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2

3

4

Бузғунчиларга муносиб жавобимиз бор!

Маслаҳатчи фаолияти: тажриба, ташаббус, масъулият.

Болаларимиз доно, кучли, бахтли бўлишлари аниқ!

Андижон вилояти

Асака туманидаги "Янги ҳаёт", "Ўзбекистон" ширкат хўжалиқларининг пиллакорлари туманда биринчилардан бўлиб давлатга пилла сотиш шартномавий режасини бажардилар. Шахрихон туманидаги Академик Саримсоқов номли, ҳамда "Сардор" ширкат хўжалиқларида эса ҳар қутти қурт уруғидан бу хўжалиқларда 60 килограмма етказиб юқори сифатли ҳосил олинди.

ПИЛЛА ХИРМОНИ ЮКСАЛМОҚДА

Бу йил вилоятда маҳаллий ипак курти боқишга алоҳида эътибор берилди. Чунки Хорижий уруғ анча қимматга тушиб, пиллачиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш қийин бўлаётган эди. Мана бу йил Андижон ипак курти уруғи корхонасида тайёрланган маҳаллий нав уруғлардан ҳам яхшигина ҳосил олиш мумкин бўлди.

Андижон туманидаги "Истиқлол" ширкат хўжалигида илғор пиллакор Холдоржон Ҳошимов оиласи 3 қутти ипак куртидан ўртача 76 килограмдан, Бобур номли ширкат хўжалигидан Мавжудахон Раимова 1 ярим қутти курт уруғидан 105 килограмдан сифатли ҳосил топширишга эришдилар.

— Пиллачилик эътибор яхшилангани учун ҳам ҳосил сифати юқори дейди. — Андижон тумани бош пиллахоноси лаборатория мудири Муқаддамхон Юсупов. — Бизнинг мақсадимиз ҳам юқори сифатли хом ашё қабул қилиб пиллакорларимизга мўмай даромадлар тўлашдир.

МУХБИРИМИЗ

Mahalla



— Яна нима дейди?
— Осойишталигимизга кўз төгмасин, дея дуо қилинг, — дейди.

ЮРТИМИЗНИНГ БАРКАМОЛ АВЛОДЛАРИ



Тошкент вилоятида қарийб бир ҳафта давомида давом этган. "Баркамол авлод — 2005" ўйинлари ёшларимизнинг гўзаллик ва спорт билан ошнолигини яна бир бор исботлади.

Фаргона вилояти

Андижон шаҳрида бўлиб ўтган муҳим воқеа қанчалик узоқлашмасин, одамларимиз қалбини ҳамон фикрлашга ундамоқда. Бир гуруҳ ақиданпарслар ўзларини ҳудудий қилиб кўрсатгани билан Алоҳнинг каломиди баён қилинган "Мўминлар, ака-укадилар" деган мазмунлардаги оятга зид иш қилдилар. Улар тинч яшаб турган ҳамшаҳарларига зулм ўтказдилар.

МЎМИН МЎМИНГА ҲАҚ ОТМАЙДИ

Қолаверса, бу муҳим воқеа ислом динида улуғ кун ҳисобланган жума кунини содир этилди. Бу ҳолат ҳам хунрезлиқни амалга оширганлар мусулмон оламига асло алоқдор эмаслигини билдиради. Чунки ҳар қандай мусулмон бу кунда фақат яхши амаллар қиладди. Мана шундай улуғ ва мубарак кунда юқоридаги каби хунрезликларни содир этган шахсларни бизнинг назаримизда мусулмон олами аҳли ҳеч қачон қўллаб-қувватламайди, аксинчи уларга лаянатлар айтади, қарши курашади.

Расулжон АХМЕДОВ,
Бувайда туманидаги "Хусанқори" масжиди имом хатиби.

Қашқадарё вилояти

ҲАМЖИХАТЛИК ҲИКМАТИ

Дунё дунё бўлиб, озодликни, эркин орзу қилмаган халқни кўрган эмас. Узюртинчи мустақил қўришга интилиш ҳар бир элнинг, ҳар бир элнинг биринчи гадаги орзу-мақсади бўлган. Буни тарих силсиласида юз берган воқеа-ҳодисалар яққол кўрсатиб турибди. Озодлик, мустақиллик жасдон ҳамжамиятида ўз ўрнига, салоҳиятига эга бўлган ўзбек халқи учун ҳам асрий орзу эди. Яратганга минг қатла шукрки, ана шу ниятимиз ушалди.

Бирок халқимизнинг мустақилликдек улуғ неъматга мушарраф бўлганлиги турли хом хаёлларда гамирлаб юрган аламаздаларнинг қитик пастига тегайтиди. Шу боис улар ўқтин-ўқин юртимизга суқилиб кириб, элимизнинг тинч, осойишта ҳаётига раҳна солишга интилоқдалар. Яқинда юз берган Андижон воқеалари ҳам бунга яққол мисол. Бу ишлар юртимизга, халқимиз танлаган мустақиллик йўлига, унинг хоҳиш-иродасига ёмон ниятда қаровчи кучлар қутқиси, ноҳолис ҳатти-ҳаракати натижасида юз берганлиги кўрға ҳассасдек аён.

Лекин, аминманки, одамларимиз ҳамжихат, аҳил бўлсалар, маҳаллаларда, ҳар бир оилада ёшлар назорат остига олинган, улар фақат эзгу ишларга йўналтириб турилган бўлса, бундай тажовузкорларнинг нияти пучга айланади. Маҳалламиз фаоллари, қарияларимиз масаланинг шу жиҳатига алоҳида эътибор қиладилар.

Бизлар Президентимизнинг матбуот анжуманида айтган фикрларини қўллаб-қувватлаган ҳолда ҳаммани ҳушёр ва сергак бўлишга, юртимиз бирлигига, элимиз осойишталигига ҳавф соладиган ҳар қандай хатти-ҳаракатларга қарши ҳамжихат бўлиб жавоб қайтаришга чақирамиз.

Мейли ҲАКИМОВ,

Қарши шаҳар Махсумобод маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.

БУЗҒУНЧИЛАРГА МУНОСИБ ЖАВОБ ҚАЙТАРАЙЛИК

Андижон шаҳрида бир тўда экстремистлар томонидан уюштирилган конхўрликлар бутун Ўзбекистон халқини ларзага солди. Ҳамюртларимиз бу воқеаларга ўз муносабатларини билдирдилар, ҳамма террорчи газандаларни бир овоздан қоралди. Бу хунрезлиқни бошқача баҳолашга ким ўз виждонини зўрлайди?

Бирок мени мана шу юрт фуқароси сифатида бир нарса қаттиқ хафа қилди. "Би-би-си", "Озодлик" радиолари ҳар кун тинмай жаврайди: ҳокимият биноси олдида "тинч намойишчилар ўз норозиликларини билдириб" чиққан эмас. Аслида аён бўлиб турган нарса шуки, бир гуруҳ қуролланган экстремистлар патрул-пост хизмати батальонига, ҳар-

бий қисмга ҳужум қилиб 300 дан ортиқ қурол-яроғ ва кўплаб гранаталарни қўлга киритган. Нима улар автоматларга плакат боғлаб кўтариб юрмоқчимиди?!

Андижон қамоқхонасида юзлаб жиноятчиларни чиқариб, уларни қуроллантиргани-чи?! Телевизорда кўрдик, маҳбусларнинг баъзилари, масалан, Саҳно фамилияли рецидивист, чийбоғ

улгурган, лекин ҳали аниқланмаган жиноятлари қанча бўлиши мумкин. Шуниси ажаблანарлики, на "Би-би-си", на "Озодлик" мухбирлари экстремистлар ва улар чиқариб юборган маҳбусларнинг қўрқинликлари ҳақида лом-ним демаяди.

Давоми 2-саҳифага

Воқелик ва унинг илгузлари

ҚАБИХ НИЯТДАГИ УРИНИШ

У олдиндан режалаштирилган эди

Шунингдек, бу ҳаракатларнинг олдиндан режалаштирилган эканлиги тергов жараёнида аниқ бўлаётган бир қатор маълумотларда ҳам кўриниб қолмоқда. Масалан, ҳарбий қисмга ҳужум қилганлардан бири қўлга олиниб, ички ишлар бошқармасига олиб келинганди унинг ёнидан ҳарбий қисм схемаси топилди. У ўша Ҳошимов кўлида Андижон вилоятининг Хўжаобод туманида бир номаълум шахс маҳаллий бозорга машинада келиб, шу ердаги одамларга пул тарқатиб, уларни қуролланган босқинчиларни қўллаб-қувватлашга даъват этгани ҳақида шу кун бозорда бўлганлар гапириб бермоқда.

Андижон шаҳрида юз берган қуролли босқинчилик воқеалари тафсилоти бу ҳужумни уюштирувчилар нафақат битта шаҳарда, балки бошқа ҳудудларда, хусусан, вилоят ва бутун мамлакат бўлиб тартибсизликларни авж олдириш мақсадида пухта ҳозирлик кўрганликларини ва бунга интиланликларини далиллаб турибди.

Умуман, бу ва бу каби бошқа далиллар юз берган воқелик кимнинг иши, уларнинг мақсади нима эканлиги ҳақида аниқ ҳулоса чиқаришга асос бўлади. Бугун барчага Ҳошимов сценарийи ислом фундаменталистлари, хусусан, "Ақромия" деб ном олган диний оқим аъзолари иштирокисиз бўлмаганлиги кундай аён. Бу оқим гарчи ҳозиргача унча кўп тилга олинмаган бўлса-да, аммо бугун ўз қарашлари билан ўзининг қимлигини аён қилиб улгурди.

Давоми 2-саҳифага

АЗИЗ МУШТАРИЙ ГАЗЕТАМИЗГА АЙНИ КУНДА ХАМ ЙИЛНИНГ ҚОЛГАН ҚИСМИ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. 2005 ЙИЛДА "Mahalla"СИЗ ҚОЛМАНГИ

"Mahalla" хабарлари

Қорақалпоғистон Республикаси

ТАРБИЯЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Нукусда "Йил тарбиячиси — 2005" кўрик-танловининг якуловчи босқичи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон республикасининг барча шаҳар ва туманларидаги танловларда энг юқори ўринларни олган 16 нафар вакиллар қатнашди.

Қизгин ўтган ва нуфузли ҳайъат аъзолари ҳақиқий тарзда баҳолаб берган танловда Туртқул туманидаги 8-болалар боғчаси тарбиячиси Мақсуда Серикбоева голиб деб топилди ва мамлакатимиз болалар боғчалари тарбиячилари орасида ўтказилган танловга йўлланма олди.

Асилбек ИСКАНДАРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Самарқанд вилояти

ЖАРҚУДУҚДА ЯНГИ ГУЗАР

Нуробод туманидаги Жарқудуқ маҳалласида Маҳалла маркази қурилиб, фойдаланишга топширилди. Аҳамиятlisi, мазкур иншоот атрофида боғ ва "Хотира майдони" барпо этилиб, бу ерда "Мотамсаро она" ҳайкали қад ростлади.

Ғайрат БОБОКУЛОВ,
"Mahalla" мухбири.

Навий вилояти

ОИЛАЛАР БЕЛЛАШГАНДА

"Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан вилоятдаги барча маҳаллаларда бир-бирдан фойдали ва қизиқарли ҳамда тарбиявий аҳамиятга молик бўлган жуда кўп ибратли тадбирлар ўтказилиб келинмоқда.

Яқинда ана шундай гузал ва ибратомуз тадбирлардан бири Қонимех тумани маҳаллалари ўртасида ўтказилди. "Соғлом оила" деб номланган ушбу спорт мусобақасида ўнга яқин оилавий жамоалар иштирок этдилар.

Мусобақа қатнашчилари спортнинг 6 тури бўйича ўзаро куч синашдилар. Қизгин беллашувларга бой бўлган мазкур мусобақада 37 очко тўплаган Бахтиёр Шамбетов оиласи голиб деб топилди. Иккинчи ўрин 33 очко тўплаган Марат Кивашев оиласига (У.Мирзаев номли маҳалла), учинчи ўрин эса 29 очко тўплаган эришган Бахриддин Ербоев оиласига (Шуртепа маҳалласи) насиб этди.

"Маҳалла" жамғармаси Қонимех тумани бўлими томонидан мусобақада голибликни қўлга киритган жамоаларга эсдалик совғалари ва дипломлар топширилди. Туманда ана шундай қизиқарли ва фойдали тадбирларнинг мунтазам равишда ўтказилиб турилишида бўлими раиси Васила Қаршибоева ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман бўлими вакили Холмурод Турсунмуродовларнинг хизматлари катта бўлмоқда.

Менглибой МУРОДОВ,
"Mahalla" мухбири.

Мурожаат ва муносабат

ЕР БЕРИЛГАН, ШИКОЯТГА ҲАҚ ИЮҚ ЭКАН!

Йил бошида Термиз шаҳри фуқароси Дилфуза Мусаевадан Тахририятга шикоят мактуби келганди. Унда Д.Мусаева ўзининг тўрт фарзандини Ёлғиз тарбиялаганлигини, лекин шунча қарамай Термиз шаҳри ҳокимлиги томонидан ҳовла-жой қўриш учун унга яхши жойдан ер ажратилишида ёрдам кўрсатилмаётгани баён қилиб, тахририятдан ёрдам сўрайди. Биз бу шикоят мактубини Термиз шаҳар ҳокимлиги эътиборига ҳовала қилгандик. Яқинда Термиз шаҳри ҳокимлигидан мурожаатимизга жавоб олдик.

Маълум бўлишича, ўтган йилнинг апрел ойида шаҳар ҳокими қарорига асосан Д.Мусаевага Ф.Ғуллом номли кўчасидан уй-жой қўриш учун ер ажратиб берилган экан. Энг таажублиси, бу жавоб мактубига Д.Мусаева томонидан ёзилган қуйидаги мазмунли тушунтириш хати ҳам илова қилинган: "... Менга ўтган йили Ф.Ғуллом кўчаси ёқасидан 600 кв.м. жой ажратилганди. Уша жойга борсам, иккита қўшни "Сиздан олдин бу жой бошқа одамга ажратилган" дейишди. Лекин улар нотўғри гапирган эканлар. Энди ўша ердан уй-жой қураман..." Шаҳар ҳокимлиги ҳам, тахририят ҳам кичик идора эмас, уларнинг ваколатига яраша масъулиятли, зарур ишлари жуда бисёр. Наҳотки, Д.Мусаевага ҳокимлик томонидан қонуний ажратилган, ҳужжатлаштирилган ер майдони тўғрисидаги қўндаги бир кишининг мужжал гапига аниқлик киритиши учун тахририятимиз шаҳар ҳокимлигини овозга қилиш шунчалик зарур бўлган бўлса?!

Шу ўринда бир ҳақиқатни тақрор таъкидлашга ис-таймиз: тахририятга етиб келган ҳар бир мурожаат эътиборга олинади, ўрганилади, қолаверса, кўп ҳолларда назият ва имкониятлар ҳисобга олинган ҳолда муаммога барҳам беришга эришилади ҳам. Афсуски, кўпгина шикоятчилар ўз мурожаатларининг мазмун-моҳияти, мантқий ва қонуний ҳаққонийлиги учун масъулиятли эканликларини англамайдилар. Бунинг оқибатида юқоридаги каби ҳолатлар юз бериши эса табиий ҳол.

ТАХРИРИЯТ

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида

060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

«Матбуот тарқатувчи» хиссадорлик жамияти

Тахририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:

Қабулхона — 136-53-93

Тел/Факс: — 133-44-25

Масъул котиб: 136-53-75

Хатлар бўлими: 136-57-62

«М.А» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси тахририятининг меҳнат жамоаси.

Россия Думасининг МДХ ишлари бўйича қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари А.Билолов ўзбекистон ҳукуматининг кўрага чора-тадбирларига баҳо беришда шомма-шошарлик қилмаслик лозимлигини айтди. «Ўзбекистон Президенти маъмуриятда ягона тўғри йўлни танлади. Шарқда заифлик кечирилмайдими? У ўзбекистонда кучли давлат ҳокимияти маъмуриятини таъкидлаб, Президент Ислам Каримов сўбатининг аниқ мақсадга йўналтирилгани ва пухта ўйланганлиги, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг изчил ва босқичма-босқич йўли танланганлигига эътиборни қаратди.

Миср Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари И.Сааднинг фикрича, Ўзбекистон раҳбарининг қатъий саясий-ҳаракатлари Андижондаги вазиятни зудлик билан назоратга олиш ва воқеаларнинг «қирғилча» сценарий

йўл қўймади, аминманки, ҳеч қачон бунга йўл қўймайди. Ўзбекистон — замонавий, мустақил ва дунёвий давлат. Унинг халқи, шак-шубҳасиз, ўз Президентини қўллаб-қувватлайди». **Кавказ мусулмонлари идораси раиси шайхулислом А.Пошшазода** бу тартибсизликларни бошлаган Андижон аҳли эмас, балки экстремистлар гуруҳи ва жиноятчилар вакиллари эканлигини қатъий таъкидлади. Унинг фикрича, агар аҳоли ташкилотчи бўлганида, қурол-яроғларни эгаллаш каби жинсий характерлар содир этилмаган бўлур эди. А.Пошшазода ҳокимият кучлари эмас, биринчи бўлиб жангарилар ўқ узганига, қурбонлар ҳам айнан ўша жангарилар ўқидан ҳалок бўлганига эътиборни қаратди.

Афғонистон Ташқи ишлар вазири А.Абдулла Токиода бўлиб ўтган матбуот анжуманида шундай баёнот берди: «Ўзбекис-

Латуранинг фикрларини эълон қилган. У «Ўзбекистонда тартибсизликлар бўлмайди. Чунки харбийлар ва махсус хизматлар И.Каримовга ҳар доим садоқатли. Украинада бутун халқ қўллаб-қувватлаганини кузатишди. Грузияни эса шухратларат Саакашвили бошқармоқда», деган фикрни билдирган.

18 май куни **Исроиллик журналист Н.Каневская** Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ва Бош прокуратурасида ўтказилган матбуот анжуманида материаллари асосида) «Решет Бет» радиостанциясида Андижон воқеалари тўғрисида эшиттириш тайёрлади. Унда, хусусан, бир қатор Фарб оммавий ахборот воситалари тарқатган ахборотларнинг нотўғри ва ноҳиллиги фолш қилинди. «Ўзбекистонда ислом давлати тузиши асосий мақсад қилиб олган жангариларнинг» диний-экстремистик характердаги

АНДИЖОН ВОҚЕАЛАРИГА МУНОСАБАТ

бўйича ривожланиш хавфини бартараф этиш имконини берди. Мисрлик дипломат Президент Ислам Каримовнинг воқеа содир бўлган жойга шахсан етиб борганига ургуб бериб, бу миллат олдидики юксак бурч ва мамлакат тақдирини унинг масъулият ҳиссининг яққол далили эканлигини таъкидлади.

Қоҳира университетининг Осий тадқиқотлари маркази директори Х.Митхис хоним ҳам Ўзбекистон раҳбарининг Андижон воқеаларига берган баҳосига қўшилишини маълум қилди. Х.Митхиснинг фикрича, юз берган воқеани бартараф этиш учун қўрилган чора-тадбирлар Ўзбекистон раҳбариятининг диний экстремизм ва халқроқ террорчилик муаммосига нисбатан қатъий сийёсати тўғрисидаги наватбадга тасдиқи бўлди.

Индонезия парламенти депутати Ж.Сиддик айримларнинг Андижондаги воқеаларга аҳолининг норозилиги сабаб бўлди, деб ўқтириши нотўғри деб ҳисоблайди. Депутат Фарбдаги баъзи экспертлар бераётган баҳоларга қўшилмаслигини баён қилиб, ҳар қандай террорчилик характерини, унга қандай баҳона бўлиб қилинишидан қатъий назар, Индонезия жамоатчилиги номидан кескин қоралади.

АСЕАН ҳуқуқшунослар уюшмаси фахрий котиби Радхакришнаннинг фикрича, жангариларнинг уюшган ва шафқатсиз характерлари ушбу хуруж ижрочилари ашаддий террорчилар эканлигини кўрсатди. Унинг таъкидлашича, бундай вазиятда «жиноятчиларнинг шартлари асосида муроссага келиш мумкин эмас, бунга ҳеч ким ва ҳеч қачон йўл қўймайди».

Япония Ташқи ишлар вазирлигининг Марказий Осий ва Кавказ бўлими директори Р.Мичи «оммавий ахборот воситалари хаёлига келганини айтиб, ўз билганича турли уйдирмалар тўқмоқда» деб ҳисоблайди. Шу муносабат билан у, Ўзбекистон раҳбари ўтказган матбуот анжумани мумкин ва ўз вақтида бўлганини, рўй берган воқеалар ва вазиятни ҳал этиш бўйича қўрилган чора-тадбирлар юзасидан анжуманда аниқ тушуниришлар берилганини қайд этди.

Эрон Ташқи ишлар вазирлигининг МДХ мамлакатлари Бош департаменти бошлиги М.Сафарий Андижонда одамларнинг тинч ҳаётини бузган қуролланган жиноятчилар гуруҳининг гаирқонуний характерларини қоралади. У Эрон Марказий Осийда барқарорлик сақланишидан манфаатдорлигини ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш тарафдорлигини эканлини таъкидлади.

Исроиллик сийёсий шарҳловчи Я.Шаус «Хизб-ут-Тахрир» партияси матбуот котибининг, гўёки мазкур ташкилот Ўзбекистондаги воқеаларга алоқадор эмаслиги ва бу партия «тинч кураш йўли»ни танлагани ҳақидаги баёнотини танқид қилди. Шарҳловчи Андижондаги тартибсизликлар раҳбарларининг демократияни ҳимоя қилиш ҳақидаги даъволарини асоссиз, деб ҳисоблайди.

Молиявий-иқтисодий ривожланиш халқаро маркази директори М.Межанский Андижондаги воқеалар четдан туриб уюштирилганига ишончи қомил эканлини айтди. «Бироқ, мавжуд кучли ҳокимият Ўзбекистон ҳудудига шариат қонунлари амал қиладиган мамлакат ташкил этиши истовчиларнинг жинсий режалари амалга ошишига

тондаги жожеали воқеаларнинг баъзи иштирокчилари толиблар билан боғлиқ экани ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Илгари бутун дунёдан АҚШга қарши курашганини истаган радикал исломийлар Афғонистонда тўпланар эди. Ҳозир бу жараён тескари тус олиб, улар дунёга ёйилиб кетмоқда. Марказий Осийдаги барча жараёнлар, шу жумладан, Ўзбекистондаги сўнгги воқеаларнинг бир учи муайян даражада Афғонистонга бориб тақалади».

Тожикистон Хавфсизлик кенгаши котиби А.Азимовнинг сўзларига кўра, «вақтида чора қўрилмаганда зўравонликлар бутун Ўзбекистонга тарқалиши, бутун минтақага таъсир қилиши мумкин эди». Унинг фикрича, агар Тожикистон ҳукумати 1992 йилда «Душанбеда экстремистлар тўдасининг чиқарилишига барҳам беришда қатъий кўрсатиб, кескин чоралар қўлганда, беш йилга чўзилган қонли фуқаролар уруши рўй бермас эди».

Россия Федерацияси Президенти матбуот хизмати маслаҳатчиси Ю.Леонов «Ўзбекистон раҳбарияти барча ишни тўғри ва, энг муҳими, ўз вақтида қилганини таъкидлади. Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг қатъий саясий-ҳаракатлари тўғрисидаги мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштиришга эришилди». Унинг фикрича, АҚШ ва Европа давлатларининг Ўзбекистонни кескин танқид қилишидан эҳтиёт бўлишига, кўп жиҳатдан, улар вазиятнинг қандай тус олиши ва қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини аниқ тасаввур этолмаётгани асосий омил бўлмоқда. «Улар бу ҳудудда реакция диний радикал оқимлар энг хавфли қулардан бири эканлини ва бу оқимларнинг асл мақсадлари мазкур давлатларнинг Марказий Осийдаги манфаатларига сўзсиз зидлигини яхши англашади».

Франция парламенти аъзоси Р.Блюм Ўзбекистонда фаолият юритаётган исом-ҳуқуқлари бўйича мустақил хорижий ташкилотлар ва «Озод дехқонлар» партиясига ўқшаш «янги тузилган партиялар» ишидан таажуб билдириди. Депутатнинг сўзларига кўра, «исом ҳуқуқлари ҳимоячилари Францияда ҳам етиб-ортади, лекин уларга муайян мuddат чидаб келишади, кейин эса улар билан адилия идоралари шуғулланади».

Р.Блюмнинг фикрича, расмий ва «мустақил» маълумотлар «бир-бирдан шунчалик фарқ қиладики, буни соғлом фикр нуқтаи назаридан изоҳлаш қийин. Мустақил мамлакатда сўнгги хулосани фақат ҳукуматнинг ўзи чиқариши мумкин».

Германиянинг «Шпигель» журнали Бундестагдаги ГСДП фракциясининг Марказий Осий бўйича эксперти Й.Пфлогнинг интервьесини чоп этди. Унинг фикрича, «Ўзбекистонда нотинчлик ёки фуқаролар уруши хавфи йўқ. Давлат бошқаруви масалаларига ёндашувда айрим фарқлар бўлишига қарамай, биз тушунамизки, Фарғона водийсида этник, ижтимоий ва иқтисодий муаммолар йўқ эмас. Водийда бундай муаммолардан фойдаланиб қун қўрадиган диний радикал гуруҳлар ҳам бор. Биз Ўзбекистон ҳукуматини террорчиликка қарши курашда қўллаб-қувватлашга тайёр туришимиз даркор».

«Берлинер Цайтунг» газетаси **Германиялик таниқли шарҳувчи олим П.Шоль-**

ҳаракатлари ва ширларига алоҳида эътибор қаратилди.

Япониянинг «Ёмури Шимбун» газетаси шарҳловчиси Ф.Эндонинг фикрича, «Андижондаги каби воқеалар ўз-ўзидан содир бўлмайди. Исом жангариларнинг қамқоқона ҳужум қилиши ва маҳбусларни чиқариб юбориши фактлари мазкур хатти-ҳаракатларнинг амалга ошириш учун пухта тайёргарлик қўрилганидан дарак беради».

«Маиничи Шимбун» газетасининг халқаро янгиликлар хизмати муҳаррири Т.Фуҷиу тартибсизликларга «Акромийлар» гуруҳининг алоқадорлиги тўғрисидаги маълумотга асосланиб таъкидладики, «диний-экстремистик ташкилотлар қурол-аслаҳаларни кўлга киритиш ва одамларни гаровга олиш, маҳбусларни бўшатиб юбориш ва ҳокимият биноларига ўт қўйиш каби ваҳшийна ҳаракатларга тайёргарлик қўришда, ташкил этиш ҳамда амалга оширишда бир-бири билан бевосита алоқада бўлган».

Украинанинг Глобал стратегиялар институти директори В.Карасевнинг таъкидлашича, «Ўзбекистондаги воқеалар «тинч демократик инқилоб» деган таърифга мутлақо тўғри келмайди. Андижон воқеаларига «сайловолди омил» аралашгани йўқ. Бундан ташқари, мазкур воқеалар тор маҳаллий хусусиятга эга бўлиб, пойтахтга таъсир ўтказма олгани йўқ. Сийёсий тузум инқирозига ҳақда гап ҳам бўлиши мумкин эмас». Унинг сўзларига кўра, «Ўзбекистон - Марказий Осийнинг етакчи давлатларидан бири. Бутун геостратегик тизим барқарорлигини издан чиқариши мумкин бўлган диний-радикал қулар таҳдида эътиборга олинганда, Ўзбекистондаги ҳозирги тузум Марказий Осийда барқарорлиқни мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан жуда муҳим аҳамиятга эга».

Россиянинг «Парламентская газета»си мухбири Н.Лашкевичнинг фикрича, Андижонда содир бўлган воқеалар «Президент Ислам Каримов томонидан истиқлол йилларида барпо этилаётган дунёвий давлатни барбод қилиб, Фарғона водийси ҳудудида ислом халифалигини ўрнатиш ва кейинчалик унинг таъсирини бутун мамлакатга, ала-оқибат Марказий Осийга ёйишга бўлган уринишидир. Мамлакатда конституциявий тузумни ағдаришга қаратилган уриниш бўлгани кўриниб турибди. Ҳукумат қўрган қатъий чора-тадбирлар ўзини оқлайди ва буни тушуниш мумкин. Бунда асосий айб жожеали воқеаларнинг ташкилотчилари зиммасига тушади. Улар ҳаракатларнинг демократияга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу характерлар бошида қўлида автомат тугган экстремистлар турганининг ўзидек, демократия тарафдори бўлган ҳар қандай кишини сергак тортирди. Агар Ўзбекистонда диний-радикал қулар галаба қозонганида, Россиянинг жанубий ҳудудларида ўзига хос «Толибон» пайдо бўларди. Чунки, Россия Ташқи ишлар вазирлиги ҳам буни алоҳида қайд этди. Бунга АҚШда ҳам жуда яхши тушунишди. Шунинг учун улар бу мамлакатда гўёки исом ҳуқуқлари поймол қилинган ва зўравонликлар ҳақида ўзлари хоҳламаган ҳолда гапириб, давлат муассасаларининг қуроли йўл билан қўлга олинганни қаттиқ қораламоқда».

Уза

БУЗГУНЧИЛАРГА МУНОСИЁБ ЖАВОБ ҚАЙТАРАЙЛИК

Уларнинг топиб олган иши — ҳеч ҳам исмини «ошкор қилишни» истамайдиган шахслар тилидан айтаётган бўхтонларни тарқатишдан иборат. ҳар куни ваҳима билан минг-минглаб одамлар отиб ташланди, дея жар солишди «тўтиқушлар». Мамлакат Бош прокуратура бутун масъулиятни бўйнига олган ҳолда айтган рақам ва тинч аҳоли террорчилар ўқидан ҳалок бўлганлиги ҳақида эса эслатиб ўтишни ҳам ўйлашмайди. қайси бир кунги эшиттиришда бир хотин киши гапирди, уми муҳбир гўёки «инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси», деб таништириганди. Ўша хотин чинқирок овоз билан ҳеч бир асоссиз «бир минг-икки минг» одам ҳалок бўлди, деворадим-ей. Тўғриси, бу эшиттиришлар бозорчи хотинларнинг даҳанаки жангига ўқшаб кетади.

Бир укамиз «Би-би-си»га воқеаларни ноҳилис ёритаётганлигидан норози бўлиб хат ёзган экан. 27 май куни муҳбир унга жавобан Лондондаги раҳбарларидан бирининг тушунтиришини берди. Унга кўра, радиостанция воқеаларни гўёки ҳолис ёритаётган ва гўёки барча томонларнинг фикрини беради. Хўш, айтинчи, эшиттиришларнинг расмий томон фикри, умуман, Ўзбекистон, қолаверса, ўзбек халқи ҳақида ижобий мазмундаги гаплар қанча жойини олади? Кўп бўлса, 2-3 фозиз. Устига-устак келтирилган расмий маълумотга ҳам муҳбир ўзи ишонмаётганлигини тингловчиға сездиришга уринади. Шу ҳам ҳолисликми?!

Газетонлар нима учун «Би-би-си»га «Озодлик»ка «ёпишиб олди», демасликлари учун бир нарсани айтиш. Ўзим тадбиркорман, кичик корхона очиб, қурилиш моллари, эшик-ромлар ясаш билан шуғулланаман. Телевизор кўришга қўп ҳам вақтим бўлавермайди. Маҳалла йғини раиси билан пенсиягача мактабда бирга ишлаганмиз, ўша ерға чиқиб бир пиёла чой устида газеталар, асосан «Маҳалла» газетаси билан танишаман. Хитойда ишлаб чиқарилган транзисторча эса ҳар доим ёнимда. Умуман қишлоқдаги ёш-ялангнинг деярли ҳаммасида мана шунақа транзисторчаларни кўрасиз. Айнан шу нарса мени тахририятга хат ёзишга мажбур қилди. Мен-ку ҳаёт тахрибасига эгаман, ўз фикрим, дунёқарашим бор, лекин ёшлар-чи?! «Озодлик»нинг эшиттиришлари унчалик эмас, лекин «Би-би-си» тиник эшитилади. Кўп ёшларимиз бу эшиттиришларни тинглайди. Бироқ улар тарқатаётган бўхтонларни ҳақиқат, деб қабул қилишлари мумкинлиги қучайтириб, Манар шўларни ўйлаб, бу эшиттиришлар режали равишда, қабиҳ мақсадни кўзлаб берилётганига тушуниб етасан киши. Фарбадаги қатта-қатта давлатларнинг республикамит азолисини қонуний ҳукуматга қарши гиж-гижлашдан, норозиликни сунъий қучайтириб, тўс-тўполонлар келтириб чиқаришдан манфаатдорлигига шубҳа йўқ. Улар бундай «экспериментларга» устаси фаранг. Бу ерда жуда қатта ўйин кетяпти. Худо қудратининг, ҳеч элардаги сийёсатдонларнинг режаси амалга ошиб, ёшларимиз уларнинг ноғорасига ўйнаб бошласа борми... Бироқ ашулки урушида миллионлаб инсон қурилиб кетиши чет эл сийёсий доираларининг парвосига ҳам келмайди, улар учун асосийси — минтақада ўз қучини кўрсатиш, бошқа йирик давлатларнинг, юмшоқ қилиб айтганда, жигига тегиши. Албатта, улар «йирик» давлатлар, қилаётган ишини виждонига ҳавола қилинган бошқа алоҳимиз йўқдир. Бироқ бу қора ишлар баъзи бир фуқароларимизнинг қўли билан қилинаётганлиги ачинарли. Баъзан бундайларни ҳам ўзбек тўққанмикан, дея иккиланиб қоласан, киши.

Тўғри, иқтисодий қийинчиликлар бор, лекин уларни енгиб ўтиш учун мамлакатимизда тинчлик бўлишига боғлиқ. Ўзим пенсиягача чиққан, кичик корхона очиб, бошида саккиз нафар ишчи билан иш бошладим. Тўрт йил белбоғни маҳкам боғлаб ишладик — даромаднинг асосий қисmini ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфладик. Баъзи шерикларим чидашолмади, мен билан жанжаллашганлари ҳам бўлди, маошимиз кам, рўзгорга етмапти-деб. Икки киши кетиб ҳам қолди. Мана олти йилдирки, ишларимиз юришиб кетган, корхонамда 23 киши ишлайди. Ўн тўрт киши янги-янги «Нексия», «Тико» машиналарини сотиб олди, бошқаларнинг ҳам ўзига яраша режалари бор.

Гуруч кураксиз бўлмаганидек, мансабини суестьемў қилишга интилувчиларга ҳам дун қелдим. Бироқ ҳақ-ҳуқуқларимни тўлиқ билиб олдим, қонунларни ўргандим. Икки марта судлашиб, ютиб чиқдим. Бир мартасида эса каттагина микдорда моддий ва маънавий зарар ҳам ундириб берилди.

Ҳукуматимиз ҳақ ҳўжалигига инвестициялар олиб кириш, йирик-йирик завод ва фабрикалар қуриш учун бор қучни сарфламоқда. Кичик корхоналар учун яратилган шароитларни айтмайсизми. Бир кун келиб мана шулар ҳаммаси катта даромад бера бошлайди.

Баъзилар айтиши мумкин, ўтиш даври чўзилиб кетди-ку, деб. Мактабда тарих фанидан дарс берганман. Маълумки, ўтиш даври қисқа вақт — тахминан 14 йил давомида фақат бир мамлакатда яқунланган. У ҳам бўлса Чилида, машўм ном чиқарган Пиночет даврида бўлган. Бутун чилиликлар «казарма» шароитида яшаб-ишлаган. Унинг олдида сталинчилик даври ҳам ҳеч гап эмас. Менимча, мустақиллик шарофати билан эркинлик таъминини тотиб кўрган халқимиз бундай бўлишни ҳеч хоҳламаса керак. Иккинчидан, ҳаммамиз гувоҳимиз — мустақилликнинг илк даврларидан бошлабоқ турли гараз ниятли қулар йўлимизга тўғаноқ бўлмоқда. Гоҳ экстремистик марказлар диний ақидапарастлар қўли билан, гоҳ баъзи давлатлардаги сийёсий доиралар турли хил ниқоблар остида, шу жумладан ўзини «инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси» ёки «муҳолифат» деб атовчи шубҳали шахслар тили билан жанжал кўзга, иғволар тарқатишга, жамиятимиздаги тинчлик ва барқарорликка раҳна солишга интилиб келмоқда. Тинчлик ва барқарорлик эса ижтимоий ва иқтисодий ривожланишнинг асоси эканлигини ҳаммамиз биламиз. Ҳукуматимиз мана шу тинчлик ва барқарорликни сақлаш учун мамлакат даромаднинг анчагина қисмини сарфлашга мажбур бўлмоқда. Ўша галамислар бўлмаса, бу маблаглар ҳам халқ ҳўжалигини ривожлантиришга сарфланарди ва биз ютуқларга янада тезроқ эришардик. Бас, шундай экан, келинг, бир ёқадан бош чиқариб, ҳукуматимизни қўллаб-қувватлайлик, «шундай экан-да» деб оғзимизни очиб ўтирмасдан, бузғунчиларга муносиб жавоб қайтарайлик ва фарзандларимизни уларнинг фалокатли таъсиридан асрайлик. Бутун четда туриш, беларволарча ўз тақдиримизни, ёшларимиз тақдирини экстремистлар қўлига топшириб қўйиш жиноят билан баробар.

А.ХОЛМУРОДОВ
Жиззах вилояти Зомин тумани

Муносабат:

“БҲҲТОН КҮП, ВИЖДОН ҚАЕРДА?!”
2005 йил 25 май

УЙДИРМАНИНГ УМРИ ҚИСҚА БҲҲАДИ

«Mahalla» газетасининг 2005 йил 25 май сониде бо-силган «Огоҳ бўлинг, инфоромацион хуруж!» рукин остидаги «БҲҲТОН КҮП, ВИЖДОН ҚАЕРДА?!» сарлаҳали тақ-лийий мақолани ўқиб чиқдик. Унда Андижонда юз бер-ган воқеаларнинг айрим хорижий оммавий ахборот во-ситалари, хусусан, «Озодлик» радиостанцияси томонидан ноҳилис ёритаётган ҳақида сўз юртилади ва ушбу радио журналистларнинг Андижон воқеалари ҳақида тарқатаётган уйдирма ва бўхтонлар тақлид қилинади. Мақолани ўқиб жараёнда мен тарқатилган хабарлар ҳаётий фактлар асосида эмас, балки жангарилар нуқтаи назаридан туриб ёритилганлигига ақин бўлдим. «Озодлик» радиоси му-хбирларининг бундай хатти-ҳаракатлари уларнинг жангарилар билан ҳамнафас, ҳамфикрдек кўрсатади. Улар халқ билан му-лоқот юртилишини исташмайди. Боз устига Андижонда содир этилган террорчилик хуружини «Аҳолининг норозилик номоя-ийи» деб тақлид қилишга уриниб, тинч аҳолини саромаққа солишга, уларда Ўзбекистондаги демократик жараёнларга ишон-чсизлик қайфиятини уйғотишга ҳаракат қилдилар. Қолаверса, «Озодлик» мухбири рўй берган вазият диний экстремистик таш-килотларнинг иши, халқроқ террорчиларнинг «хаминдан қил суяргандек» амалга ошириши лозим бўлган жарқан характерати эканлиги тўғрисида лом-лим демалетир. Бу билан улар кимлар-нинг тарафида иш қўраётганликларини исботлаб беришди.

Мен ушбу радиостанциянинг ўзбек миллатига мансуб журналистларига шундай демакчиман. Жаҳолат ботқоғига ботган, вақти келса ўз ака-уларни, опа-синиларни, яқинларини гаровга олиб қийнаган, инсонийлик қийфасини йўқотган жангарилар билан тил бириктирган одам-нинг борибир бир қумас-бир кун охири аёй бўлади. Эгилса ҳам, бўксиса ҳам, аммо сиймайдиған ҳақиқат барибир қарор тоғайди. Аллоҳга шукр, оқил ва одил раҳбарларимизнинг сийё-ҳаракатлари билан Андижонда тинч хайт исга тушди. Ўз на-ватбада халқимиз хил тарқалган мий-миш ва бўхтонларни ақл тарозисидан ўтказиб, Уларига керакли хулосани чиқари-бди олмақда. Заро, Ўзбекистоннинг мард, таъти ва фидоқор одамлари бундай уйдирмаларга ақлини қоладиган халқ эмас. **ИСОЖОН ИСМОЙЛОВ,**
«Маҳалла» жағармасы Андижон вилояти бўлими ходими.

Воқелик ва унинг илгузлари

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Маълум бўлаётки, бу оқим маҳаллий аҳоли орасида фаолият юртиб, ноқонуний уюшмаларнинг ҳудудда-ги раҳбарлари, аини дамда «маҳаллий авто-ритет»ларга боғлиқ бўлганларга таъинишни афзал қўрадилар. Шу билан бир қаторда экспертларнинг эътиро-фича, уларда бу каби ишларда тахриба етишмаслиги ҳам бор ҳақиқат. Бу ҳолатда эса саҳнага яна мудиш жожеалар уюшти-ришда «тажриба ортирган» жангари «Ўзбекистон ислом харакати» (УИХ) раҳбарларидан бири Тохир Йўлдошев чиқиб келади. Сўнгги дамларда у гўёки яширин фаолиятга ўтгандек эди. Лекин Россиянинг интернет сайтларидан бирининг маълумотларида яна унинг номи қайд этилди: унда айтилишича, Қобулга бир неча «персон»лар ташриф буоришган, хусусан, Тохир Йўлдошев ҳам. Матбуотда АҚШ махсус хизматлари Афғо-нис-тон, Покистон, Туркия ва бошқа бир қанча мамлакатларда кўним топган «УИХ» ва уйгур сепаратистлари гуруҳларини бирлаштиришга уринаётгани ҳақидаги маълумотлар ҳам кўриниб қолди. Шунингдек, шу маълумотларда қайд этилишича, «экстремист-ларнинг мақсади ва вазифаси Марказий Осий давлатлари аҳолиси ва раҳбарлари ўртасида мазкур ҳудуд хавфсизлиги ва осийишта хайтнини фақат АҚШ таъминлаши мумкин, деган гоъяни олға суришдан иборат бўлиши керак».

Тохир Йўлдошевнинг халқроқ микёсда яна пайдо бўлиши билан Андижон воқеалари ўртасида боғлиқлик йўқмикан? деган ўринли савол туғилди. Бунинг устига бу жангарининг «услуби» Қирғизистоннинг Боткенида қолдирган излари орқали озми кўпми ўрганилган... АҚШ махсус хизматлари 2004 йилнинг охири 2005 йилнинг бошларида «УИХ» ҳамда толибонлар тор-мор қилинганидан сўнг Покистон — Афғонистон чегара ҳудуди аҳоли пунктларида ўрна-шиб қолган бошқа экстремистик террористик ташкилотлар фаолия-

ҚАБИХ НИЯТДАГИ УРИНИШ

У олдиндан режалаштирилган эди

сездириб қўйганлигини эслатиб ўтиш жоиз бўлади. Уйгур гуруҳлари-га бошчилики уларнинг собиқ раҳбари Айис Махсум ўлиmidан сўнг Хитой Халқ Республикасидан бўлган уйгур Абдулҳақ амалга оширмоқ-да. Бундан ташқари, уйгур гуруҳларининг Қобулда ҳам қатор терро-ристтик ақтларни амалга оширишдаги иштироки ҳақида ҳам хабарлар мавжуд. Ўз навбатида уйгур сепаратистлари яна шунииси билан ажралиб турадики, улар ўзларининг асосий молиявий манбаи бўлган «оповли нуқталар»га қуроли тўқнашуларда қатнашиш учун жангари-лар етказиб беришади. Шунингдек, уйгур сепаратистлари асосий мақсад ва вазифаларини Марказий Осий мамлакатларида ислом халифатини ўрнатишдан иборат деб билган халқроқ террористик ташкилотлардан ҳам «озик» олиб туради. АҚШ махсус хизматлари-нинг ўз манфаатлари йўлида уйгур сепаратистлари, шунингдек, «УИХ» жангариларидан фойдаланиб туришларини яна бир ҳолат билан изоҳласа бўлади. Яъни улар томонидан ушлаган жангариларнинг биронтаси ҳам ҳозиргача на Хитой Халқ Республикасига, на ўша жангарилар «жиҳод» эълон қилган бошқа мамлакатларга топширил-мади. Аксинча, улар керакли «услубият сабоғи» дан сўнг эркинликка қўйиб юборилмоқда. Бундан ташқари, Кубада Гуантаномо деворлари ичиде бўлган улар учун «муросага мос» деб ҳисобланган уйгур жанга-рилари гуруҳи ҳам қўйиб юборилган, шубҳасиз зарур «ишлов» берил-гандан сўнг.

Бир неча бор ўтказилган ошкор этилмаган учрашувлар натижа-сида 2004 йил охири ва 2005 йил бошида Америка томони «УИХ» жангарилари ва уйгур сепаратистларининг Покистоннинг Шимо-лий-Шарқий қисмида жойлашишига хариҳоқлик белгиларини билдирди ва, албатта улардан Марказий Осийга нисбатан ўз қизқишуларни йўлида фойдаланишни назарда тутиб. Бу эса шубҳасиз уларнинг бутун ҳудудда ўз мақсадларини амалга ошириш ниятларининг Андижонга қадар чўзилган ипи, десак тўғри бўларди.

тига сезиларли қизиқиш билан эътибор қаратгани ҳам тасодифий ҳол эмас. Ҳа, айтганча, «Ўзбекис-тон ислом харакати» жангарилари билан бир қаторда уйгур сепарати-стлари ҳам бу даврда ўзларининг борлигини Чунки бизнинг халқ-парвар, одил Ўртбоши-миз ва ҳукуматимиз, азиз фарзандларимиздан тар-киқ топган ватанпарвар аскарларимиз ва меҳрхон халқимиз ўз тинчилигини ҳамда ватанимизнинг ҳар қарч тупроғини ҳимоя этишга қодир. Ўз навба-тида биз маҳалла фаол-лари ва ахллари ҳам кат-та кўчимс.

Шундай экан, ҳудуди-мизда кимлар яшаётгани-дан

Спортчиларимиз
говруви

Профессионал бокс

ТЕМУР
ЧЕМПИОНЛИК
КАМАРИНИ
ХИМОЯ
КИЛАДИ

Ута оғир вазни ўзбек профессионал боксчиси Темур Иброҳимов навбатдаги жангини жорий йилнинг 24 июнь кунини ўтказадиган бўлди. АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида ташкил этиладиган профессионал бокс турнири доирасидаги беллашувда ҳамюртимиз WBC Fesarbox чемпионлик камарини ҳимоя қилади.

Темур Иброҳимовнинг чемпионлик камарига Рожерио Лобо (Бразилия) даъвогарлик қилмоқда. Бразилиялик спортчи профессионал рингда кўч қилган жонг ўтказиб, ўттиз тўрт маротаба голиб чиққан, йигирма тўққизта учрашувда рақибларини нокаутга учратган.

Темур Иброҳимов бразилиялик рақибига нисбатан кам жанг ўтказган бўлса-да, мутахассислар ўзбек спортчисининг имкониятини юқори баҳоламоқда. Чунки беш йилдан буён Темурга кучи етадиган рақиб топилмапти.

Ҳамюртимиз ўн тўққиз жангдан ўн саккизтасида рақиблари устидан зафар қўчган, ўн марта беллашувни муддатидан олдин якунлаган ва битта бахсда кўчлар тенг келган. Ҳозирча Темур Иброҳимов жаҳон рейтингига ўта оғир вазни боксчилар ўртасида 64-ўринни эгаллаб турибди.

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ
ЮҚОРИ
ПОҒОНАДА

Профессионал боксининг энг нуфузли йўналишларидан бири — Жаҳон бокс уюшмаси (WBA) дунёдаги энг кучли профессионал боксчиларнинг май ойидаги рейтинг жадалини эълон қилди. Ушбу рўйхатнинг юқори поғонасидан тўрт нафар ўзбек чарм қўлқоп устаси ҳам жой олган.

Ута оғир вазни боксчилар ўртасида кетма-кет галабаларини нишонлаган Руслан Чагаев янги рейтинг жадалининг ўн бешинчи поғонасини эгаллаб турибди. 26 ёшли ҳамюртимиз профессионал боксда 17 та жанг ўтказиб, шулардан ўн олтитасида зафар қўчган, битта учрашувда дуранг натижа қайд этилган.

Яна бир энгилмас вақилимиз Фарҳод Бакиров эса вази 66,5 килограммгача бўлган боксчилар рўйхатида тўққизинчи қаторни банд этган. Япониянинг Ибаки шаҳрида машғулларини ўтказадиган Фарҳод Бакиров 23 та жангдан 21 тасини ўз фойдасига ҳал қилган, иккита беллашувда кўчлар тенг келган.

Ўзбекистонлик профессионал боксчилар ўртасида энг юқори поғона Мухаммадқодир Абдуллаевга насиб қилди. Жаҳон бокс уюшмаси мутахассислари ҳамюртимизни туртинчи ўринга лойиқ кўрган. Хаваскор боксчилар ўртасида барча нуфузли мусобақалар — Олимпиада ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатлари олтин медалини қўлга киритган Мухаммадқодир Абдуллаев 11 июнь кунини профессионал боксда ҳам жаҳон чемпионлигини ўзига қилди. У Пуэрто-Рико вакили Мигел Анхел Коттонинг WBO йўналиши бўйича чемпионлик камарига даъвогар.

Ўзбекистонлик профессионал боксчилар ўртасида жаҳон чемпион камарини белгилаган боғланг ягона чарм қўлқоп устаси — Артур Григорян спортчилар фаолиятини якунлаган бўлса-да, ўз вақтида тўпланган рейтинг оқолари уни юқори поғонада туртишини таъминламоқда. Айни пайтда Мухаммадқодир Абдуллаевга мураббийлик қилаётган Артур 61 килограмм тош босадиган боксчилар ўртасида 15-поғонада қайд этилган.

Зоҳир ТОШҲУЖАЕВ,
УЗА шарҳловчиси.

МАСЛАҲАТЧИ: У ҚАНДАЙ ИНСОН БЎЛИШИ, ИШЛАШИ ЛОЗИМ?

Тошкент вилояти

Танлов кундалиги

МУБОРАК ОПА — ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ!



СУРАТДА: кўрик-танлов голиби ўрта Чирчиқ тумани Қайтмас маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Муборак Қаршибоева.

Яқинда пойтахтимизнинг муҳташам саройларидан бири — “Туркистон” томоша саройида Республика хотин-қизлар кўмитаси ва “Маҳалла” жамғармаси республика бошқаруви томонидан эълон қилинган “Намунали маслаҳатчи” республика кўрик-танловининг Тошкент вилояти миқёсидаги якуний босқичи бўлиб ўтди. Бунгача кўрик-танлов вилоятнинг барча туманлари миқёсида ва туманлараро зоналарда ўтказилган бўлиб, якуний босқичда беш нафар энг фаол ва илғор маслаҳатчилар ўзаро куч синашди.

Тадбирда Тошкент вилояти хотин-қизлар кўмитаси раиси А.Ахмеджонова сўзга чиқиб, бугунги кунда хотин-қизларни ижтимоий-хуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш ва аёлларнинг маънавий, жисмоний соғлом бўлишида, касбий ва дунёвий, жумладан, диний билимларининг кенгайишида маҳалла маслаҳатчилари фаолияти катта аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади.

Танлов иштирокчилари бешта шарт асосида ўзларининг дунёвий, диний маърифий билимларини намойиш этдилар. Маслаҳатчилар фаолиятини акс эттирган сахна кўришларида маҳаллаларда кўп учрайдиган муаммолар, уларни бартараф этишда маслаҳатчиларнинг иштироки қай даражада эканини акс эттирдилар.

Танловда ўрта Чирчиқ туманидаги Қайтмас маҳалласи маслаҳатчиси Муборак Қаршибоева голиб бўлди. Покент тумани Ойбек номидаги маҳалла маслаҳатчиси Нурисо Аҳмедова иккинчи, Тошкент туманидаги Наврўз маҳалласи маслаҳатчиси Ёқутхон Мўминова эса учинчи ўринга сазовор бўлишди.

Ушбу танловнинг Тошкент вилояти бўйича якуний босқичи вилоят маҳаллаларида фаолият юритаётган маслаҳатчиларнинг зиммаларидаги вазифалар салмоғи ва моҳиятини чуқур англаган ҳолда ўз ишларига фидойилик билан сидқидилдан киришганиларини яна бир бор тасдиқлади.

МУХБИРИМИЗ

... Диний ақидаларасликка берилган ўта хавфли оқимлар бутун дунё ёшлари онгига хавф солаётган айни кунда бунга қарши курашни ҳар томонлама кучайтириш тинчликсевар бўлган ҳар бир фуқаронининг бурчи эканини тушуниб етиш вақти келди. Хунук воқеалар бўлишни кутиб ўтирмастан, унинг олдини олиш учун чора-тадбирлар кўрилиши давримизнинг энг муҳим талабидир.

ЁШЛАРНИ ЁТ УНСУРЛАР ТАЪСИРИДАН АСРАШ — БУРЧИМИЗ!

Бўстонлик туманининг Хондайлик қишлоғи аҳолиси, жумладан ёшлари орасида бундай тадбирлар мунтазам равишда ўтказилмоқда. Жумладан, қишлоқнинг жомеъ масжидида жума намозини адо этиш учун тўпланган 100 нафарга яқин номозхонлар даврасида қишлоқ фуқаролар йигини раиси, ёзувчи А.Асиллов диний ақидаларасликнинг ҳозирги кўринишлари ва уларга қарши олиб борилиши зарур бўлган қатъий курашнинг йўл-йўриқлари хусусида аниқ далиллар асосида қизқарли ва таъсирчан маъруза қилди. Йигилганлар ўзларини қизқирган саволларга жавоб олдилар. Айнан шу йўналишда қишлоқ ёшлари келажак ҳаёти, ўз яшаш жойларини ҳар томонлама ободонлаштириш, истиқбол йўллари хусусида ҳам керакли маълумотларга эга бўлишди. Жумладан, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, барпо этилаётган гузарни поёнига етказиш, айниқса Хондайлик қишлоғини Искандар кўрғонини билан туташтирувчи кўприк қурилишини амалга ошириш жуда зарур ишлардир. Шундангина қишлоқнинг ҳақиқий тараққиёт йўли очилади. Бу каби режалар йигилганларнинг руҳини кўтарди, хашар йўли билан қишлоқнинг ички кўприқларидан бирини қўсқа фурсатда сошлаш ҳақида ҳам ўзаро келишиб олдилар.

— Уз уйимизни кўриклаш ҳам, ободу фаровон айлаш ҳам ўзимизга боғлиқ. Ҳар биримиз шажаст намўна кўрсатсақ, халқни ишонтира оلسак, ҳал этиб бўлмайдиган муомонининг ўзи йўқ, дея таъкидлади оқсоқолимиз.

Санобар Тўлақова,
Хондайлик қишлоқ фуқаролари йигини диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси.

Фаргона вилояти

уринларини ташкил этиш, аёллар фаолиятини ошириш борасидаги намунали ишларни оммалаштиришга бағишлаб кенгайтирилган семинар-кенгаш ўтказилди.

“Намунали маслаҳатчи” кўрик-танловининг Фаргона вилояти босқичида шахримиз маслаҳатчиларнинг иш юритиш ҳужжатлари, яъни жамики маҳалла кўрсаткичларини ўзид мўжассам қилган маҳалла паспорти — китобчаси намунали деб топилди ва вилоят бўйича оммалаштирилиши белгиланди.

Режаларимиз кўп, юқоридаги каби семинар-кенгашларни ҳар бир маҳалларда ўтказишга аҳд қилдик. Хуқуқшунос, хуқуқ-тарғибот идоралари ходимлари, исломшунос олимлар иштирокида давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилади. Асосий эътиборимизни маҳаллалар аҳлининг дунёвий, диний билимларини оширишга, азиз алломаларимизни эъзозлашга, ёшларни етук шахс, Ватанга содиқ инсон қилиб етиштиришга қаратганимиз.

Ж. ИБРОҲИМОВА,
Кўкон шаҳри диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар сардори.

... Юртимиз маҳаллаларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолият юрита бошлаганига ҳам бир йил тўлди. Шу фурсат ичида ўз фаолиятларини намунали йўлга қўйишга эришган маслаҳатчилар жуда кўп, лекин ўз зиммасидаги масъулият салмоғини тўлиқ англаб етмаган, ҳамон ишни нимадан бошлашни билмай турган маслаҳатчилар ҳам оз бўлса-да топилади. Уларга фаолиятларини йўлга қўйишда кўмак беришга қаратилган тадбирлар, амалий анжуманлар жойларда туман, шаҳар, вилоят хотин-қизлар кўмиталари, “Маҳалла” жамғармасининг бўлим ва бўлимчалари томонидан мунтазам уюштириб келинмоқда. Шу ўринда “Mahalla” газетаси саҳифаларида ҳам маслаҳатчилар фаолиятини ёритишга катта ўрин берилмоқда, бу ўз навбатида юртимизнинг турли бурчакларида жойлашган фуқаролар йигинлари маслаҳатчиларига ғойибона бўлса-да фикрлашишга, тажириба алмашишга имкон яратмоқда. Яқинда Республика хотин-қизлар кўмитаси, “Маҳалла” жамғармаси республика бошқаруви томонидан маҳаллаларда ташкилий ва амалий йўналишларда самарали фаолият кўрсатаётган маслаҳатчиларни аниқлаш ва уларнинг тажирибасини оммалаштириш мақсадида “Намунали маслаҳатчи” республика кўрик-танлови эълон қилиниб, газетамизда ушбу кўрик-танловнинг Низоми чоп этилди. Шунингдек, яқинда “Маҳалла” жамғармаси республика бошқаруви томонидан ишлаб чиқилган “Фуқаролар йигинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари фаолияти бўйича намунали низом” лойиҳаси маслаҳатчилар, тизим ходимлари ва мутахассислари, кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилиб, айни кунда таҳририятга ушбу низом лойиҳаси юзасидан фикр ва таклифлар билдирилган кўплаб мактублар келмоқда. Газетамиз шу тариқа маслаҳатчилар учун нафақат хабар етказуви, маълумот берувчи манба, балки фаолиятдошлари билан боғлиқ, тажириба алмашиш воситаси ҳамда ўзига ҳос минбарга ҳам айланди, десак муболаға бўлмайди. Зеро, қайсики маҳаллада маслаҳатчи фаолияти самарали ташкил этилган бўлса, у жойда ижтимоий-маънавий муҳит соғлом, фуқаролар, айниқса, ёшлар онги турли хил сарқит ва зарарли мафқуралар таъсиридан холи, турмуш тарзи тинч ва фаровон бўлишига кафолат бор...

Тажириба

Наманган вилояти

ҲАМ МАСЪУЛИЯТЛИ, ҲАМ ХАЙРЛИ

Ҳар бир замон, ҳар бир мамлакатда жамият тарққиёти учун хотин-қизлар ҳам жонбозлик, фидойилик қилишган. Келажак авлоднинг баркамол тарбия топishi асосан аёлларимиз зиммасида бўлиб, унинг асосий вазифаси ўз шаъни ва хуқуқларини биллибгина қолмай, балки уларнинг асл негизда нималар ётганлигини англамоқ ва шу билан бирга уларга амал қилмоқдир.

Мустақиллик йилларида Президентимиз, ҳуқуқимизнинг катта эътибори натижасида республикамизда вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари томонидан хотин-қизларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётдаги тўлақонли иштирокини таъминлаш юзасидан муайян ишлар олиб борилмоқда.

Мен фуқаролар йигини маслаҳатчиси сифатида иш бошламасимдан аввал ўн йилдан ортиқ маҳаллада хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси бўлганман. Бу борадаги тажириба менга маслаҳатчи сифатидаги ишимда жуда қўл келмоқда. Фаол аёллар ҳамкорлигида оилаларнинг турли муаммоларини ечиш, маросимларни иҷам, камчиқим ўтказиш, қизларни турмушга, му-

стақил ҳаётга тайёрлашга доир тадбирларни ташкиллаштириш маҳалламизда аёнана айланган. Ҳозирги фаолиятимда катта масъулият талаб этилишини яхши тушунаман. Чунки маърифат таъсирчан куч, унинг қучидан оқилона, ўз ўрнида фойдалана билми маслаҳатчининг энг асосий вазифаси. Лекин бу кучга эга бўлиш учун маслаҳатчи аввало ўзи маърифатли бўлиши, тинмай ўқиб-ўрганиши, изланиши лозим бўлади. Иш столида маҳалла тизими фаолиятига оид адабиётлардан ташқари газета ва журналлар доимо тахт туради. Табиийки, бу нашрлар орасида айниқса “Mahalla” газетаси алоҳида ўрин тутади. Мени юртимиз маҳаллаларида маслаҳатчилар қандай ишлётгани қизиқтиради.

Ўз фаолиятимда оилаларнинг ҳар бир аъзосини, айниқса, ёшлар ва аёлларни тиббий кўриқдан ўтказишга, тўй-тантана ва маъракаларнинг камтарона бўлишига эришиш, маданий-маърифий тадбирларни кенгайтиришга алоҳида эътибор берман. Турмуш кураётган йигит-қизларни тиббий кўриқдан ўтишлари қаттиқ назоратга олинган.

Маҳалламизда чеварчилик, касбчилик, хунармандчилик цехларида аёллар учун иш ўринлари ташкил қилинди. Ўқувчи ёшлар ташаббуси билан спорт, жисмоний тарбия ишлари жонланштирилиб, улар мусобақаларга фаол қатнашмоқдалар, яхши ўринларга сазовор бўлишмоқда.

Хуллас, маслаҳатчи сифатидаги фаолиятим давомида бу вазифа масъулиятли бўлиши билан бирга, хайрли иш эканлигини англадим.

Умида ОХУНОВА,
Наманган шаҳридаги Ҳақиқат маҳалласи диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси.

СОҒЛОМ БЎЛСАНГ— ПОЛВОН БЎЛАСАН!

Ана шу шпор остида Кармана туманида “Сиҳат саломатлик” Давлат дастури асосида кўплаб тадбирлар ўтказилиб келинмоқда.

Шундай тадбирлардан бири яқинда туман марказидаги Алишер Навоий номи маҳаллада—шу ҳудудда жойлашган Хўжаев номи умумтаълим мактаби ва Туропов номи махсус интернат 4-ва 5-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилди.

“Чақонлар” ва “Эпчиллар” гуруҳлари аъзолари ўзларининг ҳақиқий чақон ва эпчил эканликларини кўрсатдилар.

Р.ЗИЁДУЛЛАЕВА,
Кармана туманидаги Алишер Навоий номи маҳалла диний маърифат ва ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси.

Тошкент шаҳри

“БОЛАЛАРГА МЕҲР БЕРАЙЛИК”

Яқинда Акмал Икромов туманидаги Ҳабиб Абдуллаев номи маҳаллада “Болаларга меҳр берайлик” деб номланган хайрия тадбири бўлиб ўтди.

Унда маҳаллада яшовчи кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳамда ота-онасиз қолган болажонлар учун хайрия дастурхони ёзилиб, уларга катта байрам дастури намойиш этилди. 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини муносабати билан ўтказилган ушбу тадбирни ташкил этишда маҳалла фуқаролар йигинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Машкура Соипова алоҳида ташаббускорлик кўрсатди.

Тадбир сўнгига барча болажонларга хомийларнинг совғалари топширилди.
МУХБИРИМИЗ



Муносабат: “МАСЛАҲАТЧИ МАСЪУЛИЯТИ” 2005 йил 6 апрель

“Бугуннинг гапи” рукни остида берилган Гулчехра Каримованинг “Маслаҳатчи масъулияти” номи мақоласидаги фикрлар анча вақтгача ҳаёлимдан кетмади.

Дарҳақиқат, маслаҳатчи ҳар қанча доно, билимли бўлмасин бир ўзи ҳеч нарсага эриша олмайдди. Бу ўринда аввало маҳалладаги фаол аёлларнинг бошини бир ерга қовуштири олиш, ишни режа асосида ташкиллай бўлиш жуда муҳим менимча. Маслаҳатчининг ҳар бир оила билан алоҳида иш олиб бориши, уларнинг дардидаги ҳамдард, қувончига шерик бўлмоғи, ўринли маслаҳат беришга қодир бўлмоғи талаб этилади. Бунга эришиш бир киши учун ҳам руҳий, ҳам жисмоний жиҳатдан оғирлик қилиши мумкин. Маҳалла-қўйчиликда ҳамма юмуш, ҳар бир тадбир кўпчилик билан битади.

Фаол аёллар билан маслаҳатлашиб, ҳар бир оила ҳақида атрофлича маълумотга эга бўлиш мақсадида хонадонларга сўровнома тарқатдик. Мана шу сўровномамиз тўлдирishi асосида ҳар бир оиланинг яшаш шароити, муҳит, вазият ҳақида тасаввурга эга бўлдик. Бу зарур бўлган вазиятда оила аъзоларига маслаҳат бериш, улар билан турли йўналишда тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйишда қўл келиши шубҳасиз.

Ёқутхон МўМИНОВА,
Тошкент тумани Чоштепа қишлоқ фуқаролар йигини Наврўз маҳалласи маслаҳатчиси.

Янги ташаббус

МАСЛАҲАТЧИЛАР МАСЛАҲАТДОШИ ёки маслаҳатчиларга ҳам сардор керак(ми?)!

Ҳозирда Қўқон шаҳридаги 61 та фуқаролар йигинларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ишламоқда.

Маҳаллаларда хотин-қизларнинг ижтимоий-маънавий муаммоларини ҳал этишда, маънавий муҳитни соғломлаштиришда, ёшларни турли диний ақидалараслар таъсиридан асрашда, миллий қадриятларимизни тиклаш, оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаларни муҳофаза қилишда, тадбиркорлик ташаббусини ривожлантиришда ҳамда юртимизда тинчликни барқарорлаштиришда маслаҳатчиларнинг салоҳияти кундан-кунга ортиб бормоқда.

Маслаҳатчиларнинг катта қисми олий маълумотли ўқувчи, тарбиячи, тиббиёт ходими, хуллас касби турлича бўлса-да, ҳар бири катта ҳаёт тажирибасига эга бўлган аёллардир. Шаҳримизда маслаҳатчилар фаолияти самарадорлигини, масъулиятини оширишда тур-

ли тадбирлар, мулоқотлар ва жойларда семинар кенгашлар ўтказилмоқда. Менимча, бу вазифани бекаму кўст адо этиш учун маслаҳатчилар аввало бу вазифанинг моҳиятини чуқур англашлари лозим. Бунга эришиш мақсадида шахримиз миқёсида маслаҳатчиларимизнинг бошини бир ерга қовуштириб, яъни улар фаолиятини марказлаштириб, уларга сардор тайинланди. Бу тадбир намунали фаолият юритаётган маслаҳатчиларимиз тажирибасини оммалаштиришда жуда қўл келмоқда. Ахир маслаҳатчилар ҳам ўзаро маслаҳатлашиб туришлари керак, бу фойдалан холи эмас.

Аёллар ўртасида хуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш, ёшларимизни ғийбандлик, икчиликбозлик каби иллатлар домидан асраш борасида ҳар бир маслаҳатчи ўзининг аниқ белгиланган режасига эга.

Яқинда шахримиздаги Новойлик гузар маҳалласида барча маслаҳатчилар учун маҳаллада аёлларни ҳимоялаш, улар учун иш

